

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЕТ АКАДЕМИЯСИ

АЙДАРОВА НАРГИЗА ПУЛАТОВНА

**ДЕРМАТОРЕСПИРАТОР СИНДРОМЛИ БРОНХИАЛ АСТМАГА
ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Айдарова Наргиза Пулатовна
Дерматореспиратор синдромли бронхиал
астмага чалинган беморларда ташхислаш
ва даволаш усулларини такомиллаштириш..... 3

Айдарова Наргиза Пулатовна
Дерматореспираторный синдром у больных
бронхиальной астмой: оптимизация
методов диагностики и лечения..... 21

Aydarova Nargiza Pulatovna
Dermatorespiratory syndrome, optimization
of diagnostic and treatment methods in
patients with bronchial asthma..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЙДАРОВА НАРГИЗА ПУЛАТОВНА

**ДЕРМАТОРЕСПИРАТОР СИНДРОМЛИ БРОНХИАЛ АСТМАГА
ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1591 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Назаров Азадбек Ахмедович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич тиббиёт фанлари доктори, доцент Юлдашов Ильхом Рузиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация химояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qir.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ кун тарқатишди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Н.Я.Файзуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда атопик дерматит (АД) энг кўп тарқалган аллергик касалликлардан биридир, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, бронхиал астмага сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эпидемиологик тадқиқотлари маълумотларига кўра, «...ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 25 фоизида турли оғирлик даражаларида аллергик касалликлар ташхисланмоқда, жумладан, дерматознинг нафас йўллари аллергик касалланиши - бронхиал астма билан – 27,7 % холларда, аллергик ринит – 34,1% ва аллергик конъюнктивит – 46,3% холларда учраши билан кузатилмоқда. Шу билан бирга, беморларда дерматореспиратор синдром (ДРС) ривожланиши сабабли касалликнинг оғирлашуви, сурункали кечувига олиб келмоқда»¹. Атопик дерматитда дерматореспиратор синдромнинг ривожланиши, клиник кўринишларининг хилма-хиллиги, патогенезининг мураккаблиги ва касалликни бронхиал астмага ўтиши ўз навбатида, касаллик оқибатларини эрта олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда атопик дерматитни учраш даражаси ва уларда дерматореспиратор синдром ривожланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари, бронхиал астмага ўтишини аниқлашга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада атопик дерматитни ривожланиш механизмларини аниқлаш; аллергик касалликлар ривожланишига салбий экологик омиллар таъсирини аниқлаш; касалликни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш; аллергияга мойил инсонларда иммун тизим цитокинлари ҳолатини аниқлаш; атопик дерматитда лейкотриенлар фаоллигини аниқлаш ва касалликни олиб бориш протоколларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда атопик дерматитда тизимли ва локал иммунологик ҳолатни баҳолаш, беморларда ташқи нафас функцияси кўрсаткичларини баҳолаш, касаллик профилактикаси, ташҳиси ва даволаш усулларини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда.

Республикамиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш, айниқса аллергик касалликларни келиб чиқиши ва асоратларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш

¹ WHO. World health statistics, 2017. <http://www.globalasthmareport.org/burden/burden.php>

тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалари белгиланган. Бу борада инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, одамларда учрайдиган аллергия касалликларни ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида» ва 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715-сон «Аллергия касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охириги йилларда чет эллик олимлар ДРС ривожланишининг молекуляр механизмлари, яллиғланишнинг иммун тизим жараёнларини тўхтатиб турадиган турли дори воситаларни, хусусан антилейкотриен прерапатларини яратиш ва уларни биологик фаоллигини аниқлашга бағишладилар. Ушбу йўналишда куйидаги чет эллик олимлар: Michelle North, Chih-ho Hong, Michael Aw (Канада, 2018), Karolina Gwoździewicz, Ewa Cichocka-Jarosz (Польша, 2018), Arianna Giannetti (Италия, 2019), Peter M. Elias, Emma Guttman-Yassky (США, 2019), Deborah Minzaghi (Австрия, 2019), Sugita K., Akdis C.A. (Германия, 2018), Lee SH (Корея, 2017) фаолият олиб бордилар. МДХ мамлакатларида Л.Д.Ксензова, Е.Е.Варламов (2018) ва бошқалар АтД тарқалиши, унинг атопик маршга ўтишини аниқлашди, З.И.Пирогова (2018) АД прогрессияси молекуляр механизмлари ва даволаш усуллари ишлаб чиқишди ва амалиётга тадбиқ этишди. И.А.Баранова, Д.Ш. Мачарадзе, Т.А. Машкова, Н.М.Ненашева, Н.А. Геппе, Е.В. Фролова (2013) ва бошқалар иммун-яллиғланиш реакция механизмини, АтД ва БА ривожланишида лейкотриенлар ролини ўргандилар ҳамда антилейкотриен воситаларидан болалар ва катталарда аллергия касалликларни даволашда фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилдилар.

Белоруссия олимлари Жерносек В.Ф., Романова И.С., Кожанова И.Н. (2015) ва Украинадан Ю.И. Фещенко, Л.А. Яшина (2017) ва бошқалар АтД ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

БА ни даволашнинг янада илғор усуллари ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш билан шуғулланишди, аллергия касалликларнинг ривожланишига мойилликнинг генетик белгиларини ўрганиш ва АСИТ профилактикаси самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказдилар. АтД ривожланишининг молекуляр механизмлари, турли хил даволаш ва хуружлар олдини олиш схемалари бўйича кўплаб тадқиқотларга қарамай, улардан фойдаланиш самарадорлиги кўпинча қониқарсиз бўлиб қолмоқда, шунинг учун АтД қайталанишини олдини олиш бўйича изланишлар давом этмоқда.

Сўнгги йилларда АтД нинг қайталанишида ўткир фазада оқсиллар, цитокинлар ва уларнинг ДРС ривожланишидаги ахамиятига катта эътибор қаратилмоқда. Шундай қилиб, И.И. Балаболкин, Т.Б. Сенцова, В.А.Булгакова (2017) ва бошқалар, Е.В. Фролова, У.Г. Билалова, Н.Г. Кочергин ва бошқалар (2018) АтДнинг оғирлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, терининг эпидермал дифференциация комплекси учун жавобгар генларнинг роли, болаларда АтД даволаш самарадорлигини оширишда гидрогеллардан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордилар.

Мамлакатимизда, илмий ихтисослаштирилган аллергия марказида профессор И.С.Разикова раҳбарлигида АтДнинг яллиғланишга қарши терапиясини такомиллаштириш, нафас йўлларида аллергия зарарланишини ўрганиш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Республика дерматология ва косметология илмий амалий марказида Ш.З. Мавлянова (2011) АтДнинг эпидемиологияси, иммун-яллиғланишнинг патогенетик механизмларини аниқлаш устида тадқиқотлар олиб бормоқда, С.Р.Мўминова (2013) атопик дерматитда интерлейкин генларининг ривожланишидаги ахамиятини аниқлади; А.А. Содиков (2014) – аллергия дерматит ва экзема билан касалланган беморларни даволашда озондан фойдаланиш самарасини аниқлади. Бироқ, ДРСда АтД ривожланишининг иммун-яллиғланиш механизми тўлиқ аниқланмаган, бу эса ушбу йўналишда комплекс клиник тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бундай тадқиқотлар биотиббиейтнинг кенг қамровли ютуқлари билан биргаликда аллергия касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этишни талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиейт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 01.080090 «Ўзбекистонда астма ва аллергия. Замонавий ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш» (2015–2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дерматореспиратор синдромли бронхиал астмага чалинган беморларда ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

атопик дерматитга чалинган беморларда дерматореспиратор синдромнинг ривожланиши хавф омилларини аниқлаш;

атопик дерматит билан оғриган беморларда дерматореспиратор синдром ривожланишида аллергик омилларни аниқлаш;

дерматореспиратор синдромли беморларда ташқи нафас функцияси кўрсаткичларини баҳолаш;

атопик дерматитли беморларда атопик марш ривожланишида цитокин тизими ва интерферон- γ фаоллашуви ахамиятини аниқлаш;

атопик дерматит билан оғриган беморларда дерматореспиратор синдромни ташхислаш ва даволашни оптимал усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012-2020 йилларда Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази назоратидаги атопик дерматитли 14 ёшдан 74 ёшгача бўлган 156 нафар беморлар, ҳамда 20 нафар соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар вена қони ва зардоби иммунофермент тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал, аллергологик, иммунологик ва статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

атопик дерматитли беморларда дерматореспиратор синдром ривожланиши унинг хавф омиллари (наслий мойиллик, атопиянинг илк болалик даврида бошланиши, атопик дерматитнинг аллергик ринит ёки конъюнктивит, бронхиал астма билан биргаликда кечиши) учраши даражаси билан беморларда маиший ва ўсимлик гуллари чангига поливалент сенсibiliзациясига тўғри пропорционал боғлиқлиги исботланган;

илк бор АтД+АРга чалинган беморларда ўсимлик гуллари чангига моновалент сенсibiliзация, АтД+БА ва АтД+АР+БА гуруҳидаги беморларда моновалент ва поливалент сенсibiliзация ҳамда барча кузатилган беморларда озик-овқат аллергенларига кесишувчи сенсibiliзация ривожланиши исботланган;

атопик дерматитли беморларда яллиғланишга хос (ИФН- γ) цитокин миқдорининг яллиғланишга қарши (ИЛ-4+ИЛ-10) цитокинлар миқдorigа нисбатининг (СИ) юқори кўрсаткичлари касаллик (АтД+АР, АтД+БА, АтД+АР+БА) гуруҳларига бронхиал астма қўшилишига боғлиқ холда кескин пасайиши аниқланган;

дерматореспиратор синдромли атопик дерматитли беморларда бронхиал астма қўшилганида барча спирометрик (ЖЕЛ, ОФВ1, ПФМ, МОС50 ва МОС25) кўрсаткичлар касалликдаги бронхлар қаршилиги ортиши ва барча нафас хажмларининг камайиши хисобига нафас йўлларида обструкция ривожланишига боғлиқ пропорционал пасайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент худудларида яшовчи аҳолида атопик патология ривожланишининг хавф омиллари аниқланган;

атопик марш ривожланишини эрта ташхислашда яллиғланишга хос (ИФН- γ) цитокин миқдорининг пасайиши фонида яллиғланишга қарши (ИЛ-

4+ИЛ-10) цитокинлар ва IgE миқдорининг ортиши прогностик аҳамияти асосланган;

атопик дерматитли беморларда дерматореспиратор синдром ривожланишини эрта ташхислаш усули ишлаб чиқилган, даволаш усули такомиллаштирилган;

атопик марш клиник белгиларини даволашнинг ремиссия даврида сублингвал иммунотерапияга худудий аллергенлар сақловчи Антиполлин воситасини қўшиш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, аллергологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дерматореспиратор синдромли бронхиал астмага чалинган беморларда ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин бўлиб, АтД+АРга чалинган беморларда ўсимлик гуллари чангига моновалент сенсibiliзация, АтД+БА ва АтД+АР+БА гуруҳидаги беморларда моновалент ва поливалент сенсibiliзация ҳамда барча кузатилган беморларда озик-овқат аллергенларига кесишувчи сенсibiliзация ривожланиши, атопик дерматитли беморларда яллиғланишга хос (ИФН- γ) цитокин миқдорининг яллиғланишга қарши (ИЛ-4+ИЛ-10) цитокинлар миқдorigа нисбатининг (СИ) юқори кўрсаткичлари касаллик (АтД+АР, АтД+БА, АтД+АР+БА) гуруҳларига бронхиал астма қўшилишига боғлиқ холда кескин пасайиши аниқланганлиги, барча спирометрик кўрсаткичлар касалликдаги бронхлар қаршилиги ортиши ва барча нафас хажмларининг камайиши ҳисобига нафас йўлларида обструкция ривожланишига боғлиқ пропорционал ўзгариши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атопик патология ривожланишининг хавф омиллари аниқланганлиги, атопик марш ривожланишини эрта ташхислашда яллиғланишга хос (ИФН- γ) цитокин миқдорининг пасайиши фонида яллиғланишга қарши (ИЛ-4+ИЛ-10) цитокинлар ва IgE миқдорининг ортиши прогностик аҳамияти асосланганлиги, касалликни эрта ташхислаш усули ишлаб чиқилгани ва даволаш усули такомиллаштирилганлиги касаллик ривожланишини олдини олиши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дерматореспиратор синдромли бронхиал астма билан касалланган беморларни даволаш ва

профилактикасини мукаммалаштириш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

атопик маршнинг эрта аниқлаш ва даво усуллари такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Атопик дерматитдан бронхиал астмагача (дерматореспиратор синдром ва атопик марш: ташхислаш, клиник кечиши, даволаш ва профилактика)» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 октябрдаги 8н-р/357-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши беморларда касалликни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

дерматореспиратор синдромли бронхиал астмага чалинган беморларда ташхислаш, даво ва профилактика усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 майдаги 08-04/4764-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши касалликни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини такомиллаштириш, касаллик асоратларини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ҳисобига касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартиришга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгиллиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Атопик маршнинг замонавий тушунчаси**» деб

номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил кўриб чиқилган. Ушбу шарҳда АтД билан касалланган беморларда атопик марш ривожланишининг эпидемиологик ва аллергологик хусусиятларининг замонавий жихатлари, унинг патогенетик белгилари ва АтДнинг терапияси замонавий усуллари бағишланган ва ҳал қилинмаган масалалари аниқланган.

Диссертациянинг «Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда материал ва тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқотлар 2012 йилдан 2020 йилгача Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология марказида амбулатор ва стационар шароитда даволанган беморлар орасида ўтказилди. Биз 156 та 14 ёшдан 73 ёшгача бўлган беморларни асосий гуруҳда ва 20 та нисбий соғлом инсонларни назорат гуруҳларига тақсимлаб чиқдик.

Булардан 82 таси (59,5 %) аёллар ва 74 таси (40,4%) эркакларни ташкил этди. Касалланишнинг энг юқори кўрсаткичи 20-29 ёш оралиғида учраб (55; 45,4 %), 50 ёшдан катталарда (43; 35,5 %), 20-29 ва 30-39 ёшларда аёллар касалланиши 21,1 ва 11,5 %, эркакларга нисбатан 1,6 ва 3 баробар кўпроқ учраган. Тадқиқотда иштирок этган беморлар орасида 45 тасида (37,1 %) касаллик ривожланиши ёки унинг хуружи узоқ вақт мобайнида маиший ёки ишлаб чиқаришда бўёқ, лак, ювиш воситалари қўллашдан кейин кузатилган, 34 нафар (28 %) беморларда радикулит, миалгия, невралгия ташхиси билан нораціонал дори воситалар билан даволанишдан сўнг ўткир контакт аллергодермагит ташхиси қўйилган. Қолган 77 та беморда (63,6 %) касаллик бошланиши пархез бузилишлари ёки дори токсикодермияси билан боғлиқ бўлган. АтД ни ташхислашда Н.П. Торопова томонидан таклиф этилган тасниф диагностик мезонлари асосида ташхис қўйилган (2003). АтД нинг чегараланган шакли 64 та беморда (52,8 %), тарқоқ тури – 47 тасида (38,8%), 10 тасида (8,2%) диффуз шакли аниқланган. Аллергик касалланиш бўйича наслий мойиллик 43,6 % болалар ва ака-укалар орасида 52,9 % ҳолатларда қайд этилган. Шу билан бирга, АР ва АК билан касалланган 64 кишидан 23 тасида йил давомида, қолган 29 тасида касаллик мавсумий кечган. БА ЖССТ нинг GINA диагностика мезонларига мувофиқ гуруҳларга бўлинган (2018): 47 нафарида БА ўрта оғир персистирланган 3 поғонада кечиб, 10 нафарида оғир 4 поғонада кечган. АтД билан оғриган беморларда ёндош касалликлардан: лямблиоз - 28 (17,9 %), ошқозон-ичак тракти патологияси - 23 (14,7%), гепатобилиар патология - 42 (26,9%), юрак-қон-томир - 12 (7,7%) ва 18 (11,5 %) эндокрин тизими патологияси аниқланган. Тадқиқот усуллари қуйидагилар: АтД бўйича Европа гуруҳи томонидан тавсия этилган SCORAD индекси ва тинч ҳолатда спирометрия ўтказиш "SPIROSIFT SP-500" (Fukuda DENSHI, Yaponiya) форсирланган ўпка тириклик ҳажми (ФЖЕЛ), биринчи сониядаги жадал нафас чиқариш ҳажми (ОФВ1), ўпка ҳажмининг 75%, 50%, 25% (МОС75, МОС50, МОС 25) га тўғри келадиган нуқталарда оқим тезлигининг эгри чизиғи; бронходилатацион синама, озиқ-овқат, маиший, ўсимликлар чанги аллергенлари билан скарификацион ва прик-тестлар. Қон зардобиди

иммунофермент усулида интерферон- γ (ИНФ- γ), интерлейкин-4 (IL-4), интерлейкин-10 (IL-10), иммуноглобулин E миқдори аниқланган.

Диссертациянинг «**Дерматореспиратор синдромли беморларда атопик дерматитнинг клиник кечиш хусусиятлари**» номли учинчи бобида ДРС билан касалланган беморларнинг текширув натижалари келтирилган. Тадқиқотлар текширувдан ўтган беморлар орасида ДРС билан касалланиш (яъни атопик дерматит аллергик ринит, бронхиал астма билан биргаликда кечиши) 13,5 % ни ташкил этди. Касалланиш кўпроқ эркаклар орасида (80,9 %), ёш ва навқирон беморлар орасида учраши устунлиги аниқланди 14-19 ёш – 19 %, 20-29 ёш – 28,6 % ва 30-39 ёш - 33,3% ни кўрсатди. Атопик жараён ривожланиши кузатилган беморларда касалликнинг давомийлиги 10 йилдан ортиқ бўлиб, ушбу гуруҳдаги текширилган беморларнинг 66,7 % да аниқланди. Таъкидлаш жоизки, атопик жараён ривожланиши кузатилган беморлар гуруҳида тери жараёнининг тарқоқ зарарланиши (80,9 %) беморларда, АтД, АтД+АР ва АтД+БА гуруҳлар билан таққосланганда 2,4, 1,8 ва 3,5 баробар кўпроқ учраган. Бинобарин, атопик марш секин ривожланувчи жараён бўлиб, асосий касаллик оғир кечиши билан тавсифланади. Патологик жараённинг тарқоқлиги ёшга оид ва касалликнинг клиник шаклига боғлиқ бўлган. Зарарланиш ўчоқлари тирсак бўғимининг букувчи қисмида (73,7 %), елка ва билак ёзувчи қисмларида (64,1%), тизза бўғимининг букувчи қисм терисида (64,1%) ва бошқа сохаларда жойлашиши кузатилди. Патологик жараён эритема, шиш, папулёз элементлар, куруклик, лихенификация ўчоқлари, турли интенсивликда қичишиш ва уйқу бузилиши билан намоён бўлган. Патологик жараён тарқоқлиги бемор ёши ва клиник шаклларига боғлиқ бўлган. Тадқиқотларда АтД билан оғриган беморлар гуруҳида SCORAD индекси 43,5 дан 75,6 баллгача, ўртача $57,2 \pm 2,30$ баллни ташкил этиб 70,2 % да устунлик қилди. АтД+АР билан оғриган беморлар гуруҳида SCORAD индекси $60,4 \pm 2,05$ баллни ташкил этди, аммо текширувдан ўтган беморларнинг 32,7 фоизида оғир даражаси аниқланди. АтД+БА билан касалланган беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткич $54,7 \pm 3,62$ баллни ташкил этиб, ўртача 76,9 % ҳолатларда қайд этилди. АтД+АР+БА билан оғриган беморлар гуруҳида биз SCORAD индексининг $70,9 \pm 1,52$ даражагача сезиларли даражада қайд этдик, касалликнинг оғир кечиши 66,7 % ни ташкил этди. Шунингдек, текширувдан ўтган беморлар гуруҳида тери жараёни клиник кечишининг тахлили ҳам қизиқарли бўлди. АтД, АтД+АР+БА гуруҳларда папуло-эритематоз тошмалар 70,1; 63,5; 50 ва 80,9% беморларда тери куруклиги ва лихенификация, эксфолиация белгилари 56,1; 61,5; 46,1 ва 76,1% беморларда кузатилди. ДРС авж олиши жараёнида йил давомида кечувчи АР, АК ва БА учраши кўпайиб боради, бу эса касаллик оғирлашганидан далолат беради ва бронхиал астмага чалинган беморлар сони ортади. АтД+АР+БА чалинган беморлар гуруҳида АР, АК ва БА юқори частотада учраши аниқланди ва бронхиал астма билан оғриган беморлар сони ортди. Аммо бунга бемор ва шифокор ахамият бермаслиги сабабли атопик маршнинг ривожланишига олиб келади. Биз текширган беморларда аллергия кучайишига олиб келган этиологик аллерген омилга аниқлик киритиш учун турли хил аллергенлар ёрдамида скарификацион тери

синамалари ўтказилди. АтД билан билан оғриган беморларда асосан поливалент сенсibiliзация (эпидермал, маиший, озик-овқат, гул чанги 60 %), АтД+АР бўлган гуруҳда моновалент сенсibiliзация устунлиги (асосан гул чангига беморларнинг 71,1 % да) билан ажралиб турарди. АтД + БА билан касалланган беморлар гуруҳида ҳам моновалент сенсibiliзация устун келди (асосан маиший чангларга беморларнинг 55,8 % да). Бироқ, АтД + АР билан оғриган беморлар гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан у бироз пастроқ эди, шу билан бирга АтД билан касалланганлар гуруҳининг кўрсаткичларидан ошиб кетди. Поливалент сенсibiliзация билан оғриган беморларнинг улуши 38,5 % гача кўтарилди. Шу билан бирга, АтД+АР+БА билан оғриган беморлар гуруҳида моно- ва поливалент сенсibiliзация учраши тенглашиб, текширувдан ўтган беморларнинг 50 %да аниқланди. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, атопик марш ривожланиши билан поливалент сенсibiliзация хавфи ортиб, патологик жараённинг оғирлашиши ва беморларнинг хаёт сифати ёмонлашишига олиб келди. Эпидермал, яъни уй хайвонлари алергенларига сенсibiliзация асосан АтД+БА ва АтД+АР билан оғриган беморларга хос бўлди. АтД+АР+БА билан оғриган беморларда эпидермал ва гул чанги алергенларига сенсibiliзация кўпроқ учраши аниқланди, бу эса фармакотерапияда хисобга олиниши лозим. Ўсимликлар чангига сенсibiliзацияси бўлган беморларда озик-овқат алергенларига ҳам кесишувчи косенсibiliзацияни аниқлаш учун мевалар билан икки томонлама санчиш (прик-тест) *in vivo* шароитида ўтказилди. Шувоқ ўтига сенсibiliзацияси бўлган беморларда озик-овқатларидан торпедо қовуни, оқ анжир, голден олмаси, киш-миш узумига кесишувчи сенсibiliзация аниқланди; ажриқ ўти гул чангига сенсibiliзацияланган беморларда оқ анжир, узум, ошқовоққа кесишувчи сенсibiliзация аниқланди; кирпи ўти гули чангига сенсibiliзацияга аниқланган беморларда оқ анжирга кесишувчи сенсibiliзация аниқланди.

Спирографик текширувлар АтД билан касалланган беморларда ўпканинг тириклик сиғими (ЖЕЛ) ва 1 секунддаги жадал нафас чиқариш тезлиги (ОФВ1) камайишга мойилликни кўрсатди ва бу енгил рестриктив ўзгаришлар хақида далолат беради. АтД ва АР билан касалланган беморларда спирометрия кўрсаткичлари яққолроқ ўзгариб, нафас йўллари қаршилигининг ортиши ва барча ўпка хажмларининг камайиши - обструктив ўзгаришларга олиб келади. Спирометрия кўрсакичларининг яққолроқ ўзгариши АтД + БА беморлар гуруҳида аниқланган. Яъни, ўпканинг тириклик сиғими (ЖЕЛ), ПФМ, МОС50 ва МОС25 статистик жихатдан сезиларли 1,4 ($P<0,01$); 1,4 ($P<0,01$); 1,3 ($P<0,05$); 1,4 ($P<0,05$) ва 1,6 ($P<0,01$) баробарга камайди. Нисбий соғлом инсонларнинг кўрсаткичларига нисбатан 1,4 ($P <0,05$) ва 1,6 ($P <0,01$) га ўзгарган. Олинган натижалар ушбу гуруҳ беморларида бронхлар ўтказувчанлигининг яққол бузилганини кўрсатди. АтД+АР+БА билан оғриган беморларда спирометрик кўрсаткичлар ўзгаришлари бўйича АтД+АР ва АтД+БА гуруҳларида оралик ўринни эгаллаган. Шу билан бирга, МОС50 ва МОС25 қийматлари 1,4 ($P <0,01$) ва 1,5 ($P <0,01$) баробар камайди. Бинобарин, атопик дерматит ва алергик ринит ёки конъюнктивит бронхиал жараёнларнинг ривожланишига

замин яратади. АтД патогенезининг замонавий концепциясига кўра иммун тизими фаолиятида кўп йўналишли таъсир кўрсатувчи цитокинлар ишлаб чиқарувчи хелпер фаоллиги бўлган Т-хужайралар асосий ўрин тутди. Тадқиқотлар ўрганилаётган цитокинлар миқдори патологик жараён оғирлигига боғлиқликни кўрсатди. Шундай қилиб, АтД билан касалланган беморлар гуруҳида ИЛ-4 миқдори 2,1 марта ($P < 0,001$), ИЛ-10 нинг миқдори сезиларли даражада ўзгармади, ИФН- γ миқдори эса 1,8 марта ошди ($P < 0,001$). АтД + АР билан касалланган беморлар гуруҳида ИЛ-4 миқдори назорат кўрсаткичларидан 2,6 мартага ($P < 0,001$), ИЛ-10 - 1,6 га ($P < 0,01$) ва ИФН- γ нинг юқори даражаси меъерий кўрсаткичларга яқинлашди. Худди шундай ўзгариш йўналишини яққолроқ тарзда биз АтД+БА беморлар гуруҳида кузатдик. АтД+АР+БА беморлар гуруҳида қон зардобиди ИЛ-4 ва ИЛ-10 миқдори статистик жихатдан сезиларли даражада 3,3 ва 3,0 мартага ошди ва ИФН- γ 1,6 ($P < 0,05$) мартаба стандарт қийматларга нисбатан камайди. Биз яллиғланишолди ИФН- γ ва яллиғланишга қарши цитокинлар йиғиндиси ИЛ-10 ва ИЛ-4 нисбат индекси (СИ) тахлилини ўтказдик. АтД гуруҳидаги беморларда ушбу кўрсаткич 0,61 гача ортиб, назорат гуруҳида 0,47 ни ташкил этди. Атопик марш ривожланиши билан кўрсаткич яққол пасайиб, АтД+АРда – 0,21, АтД+АР+БАда – 0,09 ни ташкил этиб, нохуш ҳолат - яъни яллиғланишолди ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбалансини кўрсатди. (1 – жадвал).

1-жадвал

Дерматореспиратор синдромли беморлар қон зардобиди цитокинлар миқдори, $M \pm m$

Гуруҳлар	ИЛ-4, пг/мл	ИЛ-10, пг/мл	ИФН- γ , пг/мл	СИ
АтД	3,6 \pm 0,18*	3,4 \pm 0,37*	4,3 \pm 0,37*	0,61
Min - max	2,5 - 4,4	1,4-5,3	2,6 - 7,0	
АтД+АР	4,4 \pm 0,22*	5,3 \pm 0,21*	2,8 \pm 0,23	0,28
Min - max	3,5-6,8	4,1-6,7	1,9-3,6	
АтД+БА	4,8 \pm 0,24*	6,4 \pm 0,37*	2,4 \pm 0,14	0,21
Min - max	3,8-6,8	4,5 - 8,2	1,3-2,9	
АтД+АР+БА	5,6 \pm 0,36*	9,8 \pm 0,57*	1,5 \pm 0,16*	
Min - max	4,1-6,5	8,2-11,5	0,8-1,9	0,09
Нисбий соғломлар	1,68 \pm 0,15	3,24 \pm 0,35	2,35 \pm 0,28	0,47
Min - max	0,2-3,4	0,5-4,7	1,2-3,3	


Изоҳ: * - назорат ва асосий гуруҳлар орасидаги тафовут ҳаққонийлиги, $P < 0,05$.

Демак, атопик марш секин ривожланувчи жараён бўлиб, SCORAD индекси ортиши ва тери белгиларининг кучайишига олиб келади. Поливалент сенсibiliзация хавфи ва озик-овқатлар аллергенларига консенсибилизация бунга замин яратиб, бронхлар обструкциясига олиб келади. Юқоридагилар иммун тизимидаги ўзгаришлар, ИЛ-4 ва ИЛ-10 миқдори ортиши, ИФН-γ кескин пасайиши натижасида IgE гиперпродукциясига олиб келади.

Барча беморлар қон зардобида умумий IgE миқдори юқори бўлиб (100 МЕ/мл дан юқори), барча беморларда патологик жараённинг атопик жихатини тасдиқлайди. АтД беморлар гуруҳида 89,4 %, АтД+АР – 86,5 %, АтД+АР+БА – 80,9 % ҳолатларда кўрсаткич 300 ва ундан юқори бўлган.

Диссертациянинг «**Дерматореспиратор синдромли беморларни даволаш натижаларини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида ДРС билан касалланган беморларни даволаш натижалари келтирилган. Атопик дерматитга чалинган беморларни даволашни режалаштиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратилади: сабабчи ва қўзғатувчи омиллар таъсирини бартараф этиш; аллерген таъсирини тўлиқ йўқотиш имкони бўлмаган ҳолларда сабабчи ва қўзғатувчи омиллар таъсирини камайитириш; беморларни сублингвал махсус иммунотерапияга (СЛИТ) тайёрлаш ва ўтказиш; ўз ҳолатини тўғри баҳолаш ва дори воситаларни тўғри қўллашни беморларга ўргатиш; дорилар билан адекват даволаш ёрдамида клиник белгиларни бартараф этиш ва олдини олиш. Элиминацион ва пархез терапия ўтказилди. СЛИТ (сублингвал иммунотерапия) таркибида аллерген билан аскорбин кислотаси сакловчи Антиполлин билан ўтказилган. 2019 йил сентябр ойида ушбу восита республикамизда рўйхатга олинган (Давлат рўйхат рақами № 000539). Ушбу восита таркибидаги аллергенлар Тошкент вилояти ҳудудидаги дала майдонларида йиғилади. Даво муолажасининг 1 курси 9 подкурсдан иборат бўлиб, 1,5 -2 ой давомида аллерген миқдори 0,001 PNUдан 1000 PNU гача ошириб борилади. Бронхлар гиперреактивлиги ва БА бўлган беморларга асосан бронхолитик воситалар теофил 200 мг қунига 1 маротаба тўқ қоринга 5-7 кун, топик стероид ингаляторлар Беклазон 250 мг, Серетид 250/50 мг (флутиказон пропионат/сальметерол 250/50 мг) суткалик доза касалликнинг оғирлик поғонасига кўра аниқланиб берилган. АтД хуружларини бартараф этиш учун 2-3 авлод антигистамин воситалари лоратадин, дезлоратадин, цетиризин, левоцетиризин, фексофенадин 1 табдан қунига 1 маротаба тўқ қоринга узоқ муддатга 1-2 ой давомида берилган. Касаллик хуружларини олдини олиш учун узоқ муддатга антилейкотриен воситалардан Монтелукаст натрий 5-10 мг (3-6 ойга), терига топик стероид Адвантан ёғли суртма қунига 1 маротаба 7-10 кун, кейинчалик элидел (пимекролимус) кремига қунига 1 маротаба 2-3 ойга тавсия этилган. АР ташхисланган беморларга маҳаллий интраназал стероид сакловчи спрейлар Флутинекс (флутиказон 50 мг) қунига 2 маҳал 1-2 ой берилган. Ушбу стандарт симптоматик даводан сўнг жараён ремиссияга тушгач, патогенетик СЛИТ (тилоستي иммунотерапия беморнинг индивидуал сенсibiliзация спектрига кўра Антиполлин воситасининг турли таркиблари билан индивидуал ўтказилди). Даво схемаси 9 курсдан иборат бўлиб аллерген миқдори 0,001 PNUдан 1000 PNUгача ортиб боради. Фармакотерапия самарадорлиги қуйидаги

мезонларга кўра бахоланди: SCORAD бўйича тери клиник белгиларининг камайиши ёки йўқолиши, БА- тунги ва кундузги нафас сиқиш хуружлар сони ва ОФВ1 кўрсаткичига кўра, AP - ARIA таснифи бўйича касалликнинг асосий, кўшимча ва умумий носпецифик белгиларининг камайиши, ва йўқолишига кўра. Ўтказилган текширувлар даво муолажаларидан сўнг АтД тери белгиларининг кескин камайганлигини кўрсатди: папуло-эритематоз тошмалар, тери қуруқлиги, лихенификация, эскориация кабилар. АтД белгилари айниқса АтД+AP+БА билан касалланган беморларда ўтказилаётган стандарт терапияга қарамасдан тери белгилари сақланиб қолган, бу эса рецидивга қарши даво патогенетик даво (СЛИТ) лозимлигига ишора бўлади. Бу ҳолатни эса SCORAD кўрсаткичини пасайиши исботлайди (1 а расм).



1-расм. SCORAD индекси динамик ўзгариши (балл) (а) ва дерматореспираторли беморлар даво самарадорлиги (б).

Шундай қилиб, SCORAD кўрсаткичи АтД беморлар гуруҳида 2,4 маротаба, АтД+AP да - 2,2 маротаба, АтД+БА ва АтД+AP+БА гуруҳларда - 2,2 ва 1,9 маротаба камайган.

АтДга чалинган беморларда аллергия ринит ва конъюнктивит клиник белгилари регресс жараёнининг тахлили ўтказилди. АтД+AP гуруҳидаги беморларда даво мобайнида акса уриш, ринорея ва бурун битиши каби клиник белгилар тўлиқ йўқолди. АК клиник белгиларидан кўз қизариши ва ёшланиши ҳам терапия даврида камайди. БА клиник белгиларидан йўтал, оқиш балғам ажралиши, тунги ва кундузги нафас сиқиш хуружлари камайиб, касаллик медикаментоз назоратга туширилди. АтД+AP+БА гуруҳидаги беморларда бошқа гуруҳ беморларга нисбатан даво самаралироқ бўлиб, айниқса бронхиал астма белгилари камроқ бартараф этилган, бу эса ҳар бир беморга индивидуал ёндашувни талаб этади.

АтД гуруҳи беморларининг даволаш жараёни сўнгги натижалари 1б. расмда кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, АтД гуруҳи беморларида клиник соғайиш 17,6 % да, ремиссия 78,9 %, 3,5 % беморларда эса самара

кузатилмади. АтД ва АР гуруҳидаги беморларда клиник соғайиш 9,6 %, 88,5 % да ремиссия, 1,9 % беморларда эса даво самарасиз бўлди. Бошқа гуруҳлар билан таққосланганда яхшироқ натижалар АтД+БА гуруҳида олинган. Ўтказилган стандарт терапиядан сўнг клиник соғайиш 30,8 % беморларда кузатилган. Бу эса ремиссияга ўтган беморлар сони камайишига олиб келди ва 61,5 % ни ташкил этди. Аммо бу гуруҳдаги беморларда ўтказилган даво самарасизлиги ошиб, 7,7 % ни ташкил этган, бу эса АтД, АтД+АР гуруҳидаги беморлар билан солиштирганда 2,2 ва 4 баробар кўпроқ. АтД+АР+БА кузатилган беморлар гуруҳида ўтказилган стандарт даво муолажалари самараси бир оз сустроқ кузатилди. Клиник соғайиш 14,3% беморларда, касаллик ремиссияси 66,7% даволанганларда, 19 % да самара кузатилмаган, АтД, АтД+АР, АтД+БА гуруҳ беморларига нисбатан 5,4;10 ва 2,5 баробар кўпроқ.

Бунга спирометрия кўрсаткичлари биз текширувдан ўтказган беморларда суст ўзгарганлиги далил бўлади. (2-жадвал).

2- жадвал

Атопик синдромли беморлар даво жараёнидаги спирография кўрсаткичлари, М±m

Кўрсаткичлар	Текширилган гуруҳлар				
	назорат, n=20	АтД, n=57	АтД+АР, n=52	АтД+БА, n=26	АтД+АР+БА, n=21
ЖЕЛ, %	96,0±2,3	<u>84,9±1,3</u> 90,3±3,2	<u>83,3±1,1*</u> 87,6±2,6	<u>68,1±4,4*</u> 77,4±3,3*	<u>75,8±3,5*</u> 80,2±3,6*
ОФВ1,%	85,8±2,1	<u>79,5±1,6</u> 86,1±3,4	<u>75,7±1,9*</u> 81,6±3,1	<u>61,4±5,3*</u> 76,1±2,4*	<u>68,2±6,6*</u> 77,4±2,8
ПФМ, %	69,7±1,2	<u>65,2±1,5</u> 68,8±2,3	<u>61,9±2,4*</u> 67,9±2,3	<u>52,7±5,2*</u> 61,6±2,8*	<u>60,2±3,2*</u> 67,0±2,5
МОС50, %	72,5±2,1	<u>65,8±1,5</u> 73,1±2,7	<u>59,7±1,9*</u> 68,7±2,1	<u>53,6±5,6*</u> 63,1±2,7*	<u>51,4±5,0*</u> 62,7±2,2*
МОС25, %	79,8±2,6	<u>64,9±1,8*</u> 77,2±2,8	<u>60,7±1,8*</u> 74,9±2,6	<u>51,4±5,0*</u> 60,6±3,4*	<u>54,0±4,9*</u> 62,8±3,1*

Изох: 1) суръатда даводан олдинги, махражда даводан кейинги кўрсаткичлар; 2) * - даводан олдин ва даводан кейинги кўрсаткичлар орасидаги фарқ ҳаққонийлиги, P<0,05.

АтД гуруҳидаги беморларда ўтказилган стандарт даводан сўнг ЖЕЛ, ОФВ1, ПФМ, МОС50 ва МОС25 кўрсаткичлари нисбий соғлом инсонлар кўрсаткичларига яқинлашган. Худди шундай ҳолат камроқ ифодаланган динамикада АтД ва АК гуруҳ беморларида кузатилган. Аммо, бу беморларда тўлиқ тузалиш ҳолатини кузатмадик. Ўрганилган кўрсаткичлар норматив кўрсаткичлардан статистик ахамиятсиз фарқ қилди. АтД ва БА гуруҳ беморларида даволаш мобайнида спирометрия кўрсаткичлари фақат тикланиб борган. Ўтказилган спирометрик текширувларга асосан, даво мобайнида ўпка хажм кўрсаткичлари пасайиб АтД ва АтД+АР гуруҳларида норматив кўрсаткичларга яқинлашган, АтД+БА, АтД+АР+БА гуруҳида эса

бронхларда обструктив ўзгаришлар сақланиб турганлигини тасдиқлаб ўзгаришсиз бўлди. Бунда, ЖЕЛ, ОФВ1, ПФМ, МОС50 ва МОС25 кўрсаткичлари норматив кўрсаткичлардан статистик сезиларли даражада 1,2 ($P<0,05$); 1,1 ($P<0,05$); 1,1 ($P<0,05$); 1,2 ($P<0,05$) ва 1,3 ($P<0,05$) баробар фарқ қилган. Олинган натижалар ушбу гуруҳ беморларида бронхлар ўтказувчанлиги бузилиши ҳақида дарақлайди.

АтД+АР+БА гуруҳ беморларида ўтказилган даво натижасида спирометрия кўрсаткичлари фақат тикланишга мойил бўлган. Асосан бу ОФВ1 ва ПФМ кўрсаткичлари бўлган. Аммо, ЖЕЛ, МОС50 ва МОС25 кўрсаткичлари норматив даражаларга етмасдан, статистик ахамиятли 1,2; 1,2 ва 1,3 баробар фарқланган.

Хулосада, ўтказилган спирометрик таҳлилларга кўра, даво давомида АтД, АтД+АР гуруҳларида паст кўрсаткичлар нормаллашиб, АтД+БА, АтД+АР+БА гуруҳларида сақланиб, бронхларда обструктив ҳолат мавжудлигини тасдиқлайди.

АтД, АР ва БАнинг ўтказилаётган стандарт ва СЛИТ давоси асосан эозинофиллар томонидан IgE ишлаб чиқилишини камайтиришга қаратилган. Бу албатта, яллиғланишолди ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорида ҳам акс этиши мумкин. Шунинг учун биз улар миқдорини даводан сўнг ҳам текширдик. Ўтказилган текширувлар даволанган беморлар қон зардобида яллиғланишолди ва яллиғланишга қарши цитокинлар нисбий мувозанати тикланишини кўрсатди (3-жадвал). АтД гуруҳ беморларида бирламчи кўрсаткичларга нисбатан ИЛ-4 1,6 мартаба камайди ($P<0,01$), ИЛ-10 деярли ўзгармади, ИФН-γ юқори кўрсаткичлари эса 1,6 марта ($P<0,01$) бирламчи кўрсаткичларга нисбатан камайди. Ўрганилаётган кўрсаткичлар бунда норматив кўрсаткичларга яқинлашди.

3-жадвал

Даволаш динамикасида дерматореспиратор синдромли беморлар қон зардобида цитокинлар миқдори, $M \pm m$

Гуруҳлар	ИЛ-4, пг/мл	ИЛ-10, пг/мл	ИФН-γ, пг/мл
АтД, n=57	$3,6 \pm 0,18^*$ $2,2 \pm 0,11^{\text{л}}$	$3,4 \pm 0,37$ $3,1 \pm 0,13$	$4,3 \pm 0,37^*$ $2,6 \pm 0,07^{\text{л}}$
АтД+АР, n=52	$4,4 \pm 0,22^*$ $2,5 \pm 0,08^{\text{л}*}$	$5,3 \pm 0,21^*$ $3,8 \pm 0,12^{\text{л}}$	$2,8 \pm 0,23$ $1,9 \pm 0,06^{\text{л}}$
АтД+БА, n=26	$4,8 \pm 0,24^*$ $2,3 \pm 0,18^{\text{л}}$	$6,4 \pm 0,37^*$ $4,5 \pm 0,08^{\text{л}*}$	$2,4 \pm 0,14$ $2,3 \pm 0,09$
АтД+АР+БА, n=21	$5,6 \pm 0,36^*$ $3,1 \pm 0,22^*$	$9,8 \pm 0,57^*$ $6,4 \pm 0,26^{\text{л}*}$	$1,5 \pm 0,16^*$ $1,9 \pm 0,07^{\text{л}}$
Нисбий соғломлар, n=20	$1,68 \pm 0,15$	$3,24 \pm 0,35$	$2,35 \pm 0,28$

Изоҳ: 1) суръатда даводан олдинги кўрсаткичлар, махражда – даводан сўнг, 2) * - бемор ва нисбий соғломлар кўрсаткичлари фарқи ҳаққонийлиги, $P<0,05$; ^л – даводан олдин ва даводан сўнг кўрсаткичлар фарқи ҳаққоний, $P<0,05$.

АтД+АР билан касалланган беморлар гурухида даволанишдан кейинги юқори ПЛ-4 даражаси 1,8 ($P < 0,01$), ПЛ-10 ва ИФН-γ нинг юқори даражаси 1,4 ва 1,5 маротаба ($P < 0,05$) статистик сезиларли даражада пасайди. АтД + БА билан касалланган беморлар гурухида дастлаб ПЛ-4 ва ПЛ-10 нинг юқори кўрсаткичлари терапия таъсирида 2,1 ($P < 0,001$) ва 1,4 ($P < 0,05$) маротаба сезиларли даражада камайиб, аммо ИФН-γ даражаси ўзгармади. ДРС билан касалланган беморлар гурухида ПЛ-4 ва ПЛ-10 нинг юқори кўрсаткичлари 1.8 ($P < 0,01$) ва 1.5 ($P < 0,05$) маротаба сезиларли даражада камайди, ИФН-γ нинг дастлаб паст кўрсаткичи терапия таъсирида 1,3 маротаба ошиб ($P < 0,05$), аммо барибир стандарт кўрсаткичларга нисбатан 1,2 марта ($P < 0,05$) паст даражада қолди.

Антиполлин воситасининг клиник таъсири 2 гурух беморларда ўрганилди: 1-гурух - 14 ёшдан 35 ёшгача тери белгилари мавжуд атопик синдромли 15 та бемор, схема бўйича уй чанги таркибли Антиполлин қабул қилдилар; 2-гурух - 14 ёшдан 29 ёшгача АтД+АР билан касалланган 15 та бемор анъанавий даво билан беморнинг сенсibiliзация спектри ва касаллик мавсумийлигига кўра бахорги ёки кузги ўтлар аралашмаси таркибли Антиполлин қабул қилган. Дори воситаси барча беморлар томонидан яхши қабул қилиниб, ножўя таъсирлар кузатилмаган. Даво курсидан сўнг 1 гурухдаги беморларнинг умумий ҳолати яхшиланиб, лихенификация, тери қуруқлиги, гиперкератоз каби тери белгиларининг йўқолиши қайд этилди. 2 гурух беморларининг умумий аҳоли хам яхшиланиб, АР белгилари йўқолганлиги қайд этилди.

Демак, АтД стандарт терапияси қон зардобида яллиғлашолди ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорини меъёрлаштиради. АтД бошқа аллергик касалликлар бирга кечиши айниқса атопик марш кузатилган ҳолатларда ушбу таъсир камайишига олиб келади. Олинган натижаларда ИФН-γ нинг IgE ишлаб чиқилишини назорат қилиш вазифасининг сақланиб қолиши, бу эса ўтказилаётган терапиядан сўнг клиник симптомлар регрессияси секинлик билан кузатилиши билан тасдиқланди.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон ҳудудида дерматореспиратор синдромга чалинган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидан бўлган 156 та беморда атопик синдром ривожланиши ҳафв омилларида 43,6 % ҳолатда наслий мойиллик, 52,9 % - эрта болалик даврида атопия бошланиши, 44,3 % да – аллергик ринит ёки конъюктивит, 14,8 % бронхиал астма, 6,8 % - аллергик ринит ва бронхиал астма билан бирга кечиши аниқланган.

2. АтДга чалинган 60,0 % беморларда маиший ва ўсимлик гули чангига поливалент сенсibiliзация ривожланиши етакчи аҳамиятга эгалиги аниқланган. АтД+АР гурухидаги беморларда 71,1 % ҳолатда ўсимлик гули чангига моновалент сенсibiliзация кўпроқ кузатилиб, АтД+БА га чалинган беморларда 55,8% ҳолатда маиший аллергенларга моновалент сенсibiliзация устунлиги кузатилди. АтД+АР+БА ва АтД+БАга чалинган беморларда поливалент ва моновалент сенсibiliзация учраши тенг улушда

кузатилди. Ўсимлик гули чангига сенсбилизация кузатилган беморларда озик-овқатларга кесишувчи косенсбилизация аниқланган: АтД – 51,0 %, АтД+АР – 80,0 %, АтД+БА – 11 %, АтД+АР+БА - 31 % холатларда.

3.Атопик дерматит аллергик ринит билан бирга кечганида спирометрия кўрсаткичлари хаққоний пасайиши, бунда МОС25 ($P<0,01$), МОС50 ($P<0,05$) га нисбатан яққолроқ пасайиши кузатилиб, бронхлар обструкцияси ривожланишидан дарак беради. АтД+БА, АтД+АР+БА гурухидаги беморларда спирометриянинг барча ЖЕЛ, ОФВ1, ПФМ, МОС50 ва МОС25 кўрсаткичлари статистик ахамиятли, айниқса МОС50 ($P<0,01$) ва МОС25 ($P<0,01$) кўрсаткичлари пасайиши кузатилди.

4.Атопик дерматитга чалинган беморлар қон зардобида ИЛ-4 ва ИФН- γ кўрсаткичлари ортиб, аллергик ринит (конъюнктивит) ёки бронхиал астма билан бирга кечганида ИЛ-4 ва ИЛ-10 миқдори ортиб, АтД+АР+БА гурухи беморларида ИЛ-4 ва ИЛ-10 синтези индукцияси ИФН- γ ишлаб чиқилиши камайиши фонида кузатилиб, унинг IgE гиперпродукциясини назорат қилиш функцияси бузилишидан далолат беради.

5.Дерматореспиратор синдромли беморларни стандарт терапия комплексига патогенетик асосланган Антиполлин билан сублингвал иммунотерапияни қўшиш яққол клиник таъсирни кўрсатди, бу эса АтД га чалинган беморларда SCORAD индексини 2,4 баробар, АтД+АРда 2,2 баробар, АтД+БА ва АтД+АР+БАда 2,2 ва 1,9 баробар пасайиши, ташқи нафас ва иммунологик кўрсаткичлар яхшиланиши билан тасдиқланди. 66,7 % да беморларда тўлиқ ремиссия, 14,3 % - нотўлиқ ремиссия, 19 % холатларда эса самара кузатилмади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИММУНОЛОГИИ И
ГЕНОМИКИ ЧЕЛОВЕКА**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ
АЛЛЕРГОЛОГИЧЕСКИЙ ЦЕНТР**

АЙДАРОВА НАРГИЗА ПУЛАТОВНА

**ДЕРМАТОРЕСПИРАТОРНЫЙ СИНДРОМ, ОПТИМИЗАЦИЯ
МЕТОДОВ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ У БОЛЬНЫХ
БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМОЙ**

14.00.36 –Аллергология-иммунология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib 1591

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.immunology.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Назаров Азадбек Ахмедович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич**
доктор медицинских наук, доцент

Юлдашов Ильхом Рузиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Центр развития профессиональной квалификации
медицинских работников

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 г. в «_____» час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 при Институте иммунологии и геномики человека (Адрес:100060, г.Ташкент, ул. Я Гулямов, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института иммунологии и геномики человека (зарегистрирована за №____), (Адрес:100060, г. Ташкент, ул. Я. Гулямова, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года.

(Протокол рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Т.У. Арипова

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук,
профессор, академик

Н.Я.Файзуллаева

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

А.А.Исмаилова

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Атопический дерматит (АтД) в настоящее время является одним из самых распространенных аллергических заболеваний и остаётся серьезной проблемой здравоохранения, вследствие возможного развития бронхиальной астмы и снижения качества жизни пациентов. По данным эпидемиологических исследований Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...у 25 % населения развитых стран диагностируются аллергические заболевания различной степени тяжести, в частности, у 27,7 % пациентов – бронхиальная астма, у 34,1 % - аллергический ринит и у 46,3 % больных - аллергический конъюнктивит. Наряду с этим, развитие дерматореспираторного синдрома (ДРС) приводит к хронизации и тяжелому течению заболевания»¹. Разнообразие клинических форм дерматореспираторного синдрома при атопическом дерматите, сложность патогенеза и развитие таких грозных осложнений, как бронхиальная астма, диктуют необходимость разработки профилактических мер данной патологии.

Проводятся ряд исследований мирового масштаба по изучению распространенности атопического дерматита, клинико-иммунологических аспектов дерматореспираторного синдрома и факторов риска развития бронхиальной астмы. Приоритетным научным направлением в этой сфере остаются такие ключевые моменты как изучение механизмов развития атопического дерматита; определение негативного влияния экологических факторов на развитие аллергических заболеваний; совершенствование методов ранней диагностики и лечения данной нозологии; изучение роли цитокинового статуса иммунной системы и лейкотриеновой активности у лиц, склонных к атопии и разработка протоколов ведения пациентов с аллергическими заболеваниями. Также не утратила своей актуальности такая проблема, как оценка функции системного и местного иммунитета, параметров функции внешнего дыхания при атопическом дерматите, профилактика заболевания и оптимизация методов диагностики и лечения.

